

Бутунжаҳон одам савдосига қарши курашиш куни



Бутунжаҳон одам савдосига қарши курашиш куни

БМТ томонидан 30 июль – Бутунжаҳон одам савдосига қарши курашиш куни, деб эълон қилинган.

Афсуски, дунё бўйлаб шунча кенг қамровли фаолият, тегишли тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилишига қарамай, ҳар йили миллионлаб инсонлар “замонавий қуллик”, яъни одам савдоси қурбонига айланмоқда. Улар орасида аёллар, кексалар, ҳатто ёш болалар ҳам борлиги ачинарли.

БМТ маълумотига кўра, дунёда ҳар йили тахминан 2 миллиондан ортиқ инсон одам савдосининг қурбонига айланмоқда. Халқаро экспертларнинг баҳолашича, ушбу жиноятчилик натижасида олинаётган йиллик даромад миқдори 7 миллиард АҚШ долларида ошиб кетган.

Ташвишланарлиси, одам савдоси жиноятдан жабрланганларнинг 80 фоизи аёллар ва болалардир. Ҳар йили дунё бўйича 600–800 минг нафар аёл ва бола алдов йўли билан хорижий мамлакатларга олиб кетилиб, сотиб юборилмоқда.

Бугунги кунда долзарб масалалардан бири бўлган одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида юртимизда ҳам қатор ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон 2003 йил 12 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1950 йилда қабул қилинган "Одам савдоси ва фоҳишаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши курашиш тўғрисида"ги конвенцияга қўшилди. 2008 йилнинг 17 апрелида одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинган эди.

2020 йилнинг 17 августида янги таҳрирдаги “Одам савдосига қарши кураш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Қонунга одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш ва мослашувини таъминлаш тартиби ва

жабрланганлар ҳақидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш тартиби, уларга тақдим этиладиган хавфсизлик чоралари, бошқа кафолатлар каби янги нормалар киритилди.

Одам савдосига қарши курашишда божхона органлари ҳамда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, “30 июль – Бутунжаҳон одам савдосига қарши курашиш куни” муносабати билан Республика “ISTIQBOLLI AVLOD” ижтимоий-ахборот маркази, Ташқи меҳнат миграцияси мутахассислари ҳамда Тошкент шаҳар божхона бошқармаси, Ички ишлар ходимлари иштирокида “30 кунлик одам савдосига қарши курашиш ойлиги” доирасида Тошкент жанубий вокзалида тарғибот-ташвиқот тадбирлари ташкил этилди.

Тарғибот-ташвиқот тадбирлари давомида аҳолига бу жирканч иллатнинг мазмуни, унинг туб илдизлари хусусида батафсил тушунтиришлар берилди.

Тадбирлар давомида одам савдосининг олдини олишга қаратилган 100 дан ортиқ деворий сурат, плакатлар, брошюралар тарқатилди.

Мухтасар айтганда, одам савдосига қарши курашиш борасида аҳолининг турли қатламлари, айниқса, аёллар ва вояга етмаган шахсларга одам савдоси каби иллатнинг фаровон ҳаётимизга соладиган хавфи ва салбий оқибатлари тўғрисида тушунтириш ишларини олиб бориш, яъни аҳоли гавжум жойларида, маҳаллаларда, турли хил таълим муассасаларида, давлат идоралари, корхона, муассаса, ташкилотларда тарғибот ва ташвиқот ишларини ўтказиш, кенг тушунтириш ишларини амалга ошириш, уларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни ошириш асосий вазифалардан биридир.

Жиноят ишлари бўйича Қизириқ туман судининг тергов судьяси

А.Ҳакимов